

“ХАМСАТ УЛ-МУТАҲАЙИРИЙН” АСАРИ МАТНИНИНГ ТАБДИЛИ ВА ТАЛҚИНИ

Озодбек АЛИМОВ

**Ўзбекистон халқаро ислом академияси
катта илмий ходими**

Аннотация

Мақолада Алишер Навоийнинг “Хамсат ул-мутаҳайирийн” асари матнининг табдили ва талқини замонавий технология ва билимлар асосида тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: матн, устоз, пир, дўстлик, садоқат, муҳаббат, васф, Париж, нусха, кутубхона, сиймо.

Аннотации

В статье исследуется перевод и интерпретация текста произведения Алишера Навои «Хамсат уль-Мутахаири» на основе современных технологий и знаний.

Ключевые слова: текст, учитель, старец, дружба, верность, любовь, хвала, Париж, копия, библиотека, образ.

Annotation

The article examines the translation and interpretation of the text of Alisher Navoi's work "Hamsat ul-Mutakhairi" on the basis of modern technology and knowledge.

Keywords: text, teacher, elder, friendship, loyalty, love, praise, Paris, copy, library, image.

Алишер Навоий ва у кишининг пиру муршиди Ҳазрат Абдурраҳмон Жомий ўрталаридаги ўзаро муносабат, устоз-шогирдлик, дўстлик васфи ҳақида жуда кўп ва хўб айтилган, ёзилган. Бу дўстлик муносабатлари юксак эҳтиром, муҳаббат даражасига етгани ҳаммага маълум. Зеро, бу садоқат ва ўзаро ҳамкорликнинг қай даражада экани икки буюк сиймолар асарларида ҳам ўз аксини топган. Уларнинг ўзаро ҳамкорликлари узок йиллик ижодий ва маънавий алоқаларининг оқибатида мужассам бўлгани ҳам шубҳасиз.

Буларнинг барчасини Алишер Навоийнинг “*Хамсат ул-мутаҳаййирийн*” асарини ўрганиш, шунингдек, шоирнинг 525 йиллик юбилейига бағишлаб чоп этирилган “*Навоийга армуғон*” номли мақолалар тўпламида профессор Ҳ.Ҳомидий томонидан “*Навоий ва Жомий*”¹ номли мақоласи ҳамда Р.Воҳидов томонидан нашр этилган “*Навоийнинг икки дурдонаси*”² китоби орқали англашимиз мумкин.

“*Хамсат ул-мутаҳаййирийн*” асари марҳум олим П.Шамсиев томонидан 1966 йили “*Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий*” номли монографияда нашр этилган эди³. Бир йилдан сўнг бу асар шоир “*Асарлар*”нинг 15 жилдлик мажмуасини 14-жилдида П.Шамсиев томонидан нашрга тайёрланиб чоп этирилди⁴. Йигирма жилдлик “*Мукамал асарлар тўплами*”нинг 15-жилдида П.Шамсиев матни асосида профессор С.Ғаниева томонидан қайта нашр этилди⁵. 2011 йил Навоийнинг “*Тўла асарлар тўплами*”нинг 5-жилдидан ўрин олган мазкур асар С.Рафиддинов, С.Ғаниевалар томонидан нашрга тайёрланиб чоп этилди⁶. Бироқ, шундай бўлса-да, асарнинг матний таҳлили яхлит тадқиқот объекти сифатида ўрганилмади.

Матншунос олим, профессор Ш.Сирожиддинов тўғри таъкидлаганидек: “Ўзбек матншунос олимларининг улкан меҳнати сарф бўлганини чуқур миннатдорлик билан эътироф этсак-да, буюк шоир асарларининг барча илмий-танқидий матнлари амалга оширилмаганлиги сабабли ҳали-ҳануз кўрсатилган нашрларда кўплаб хатоликлар ўтиб кетаётганлигини ачиниш билан таъкидлашга тўғри келади”⁷. Демак, матншунос матнни тўғри ўқиши ва матн транслитерациясига диққат қилиши лозим. Акс ҳолда бу ҳол матн ўзгаришига, унда кўзланган маънонинг бузилишига олиб келади. Бу ҳолат “*Хамсат ул-мутаҳаййирийн*” асарининг нашрларида ҳам кўзга ташланади.

“*Хамсат ул-мутаҳаййирийн*”нинг аввалги мақолатидан ўрин олган тўртинчи ҳикояда нашрларда ғализликка йўл қўйилганлигининг гувоҳи бўламиз. Барча уччала нашрларда қуйидаги ҳолат такрорланган:

¹ Бу ҳақда қаранг: Навоийга армуғон. – Т.: “Фан” нашриёти, 1968 й., 89-107 бетлар.

² Қаранг: Р.Воҳидов. Навоийнинг икки дурдонаси. – Т.: “Фан” нашриёти, 1992 й.

³ Қаранг: Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи: Порсо Шамсиев. – Т., “Фан” нашриёти. 1966 й.

⁴ Қаранг: Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. Ўн тўртинчи том. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967 й.

⁵ Қаранг: Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Ўн бешинчи том. –Т.: “Фан” нашриёти, 1999 й.

⁶ Қаранг: Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн томлик. 5-том. – Т.: “Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”, 2011 й.

⁷ Ш.Сирожиддинов, С.Умарова. Ўзбек матншунослиги қирралари. – Т.: Akademnashr, 2015 й. – 124 б.

“Бир кеча бир улуг киши маҳаллида жамоати азизлар хизматида туштум. Мутаҳҳари Удийким, хушовозликда Зухранинг отаси ва хушхонликда анинг фарзанди руҳафзоси бўла олур эрди”⁸.

Бу ерда “Зухра” сўзига эътиборингизни қаратмоқчимиз. Аввало, “Асарлар”да бу сўз “Зухра” дея қаттиқ “х” билан берилган, балки бу техник хатодир. Аммо, Мутаҳҳари Удийнинг бир вақтнинг ўзида “Зухра”га ҳам **ота**, ҳам **фарзанд** бўлиши мумкин эмас... Биз бу билан китобни нашрга тайёрлаганларга ҳурматимизни тўла сақлаган ҳолда улар матни хато ўқиганлар, дейиш фикридан йироқмиз. Асар матнини ўрганиш, қўлёзмаларни ўзаро қиёсий тадқиқ ва таҳлили жараёнида бу нашрлар Санкт-Петербургдаги Россия Давлат кутубхонасида сақланаётган 558-тартиб рақамли ва баъзан ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 2242-тартиб рақами остида сақланаётган нусхалар асосида тайёрланганлигини тахмин қилиш мумкин. Санкт-Петербург нусхасида бу сўз худди нашрдагидек ёзилган. Бироқ, бу нусхада нашрда берилган **“маҳаллида”** сўзи **“мажлисида”** эканлиги аниқ кўринади. Нашрда бу сўз бошқача берилган. Биз урғу бермоқчи бўлган жой **“ота”** лафзи. Асар танқидий матнини тузишга жалб этилган таянч манба бўлган Париж нусхасида бу сўзнинг тўғри варианты, яъни **“она”** лафзи қўлланган бўлиб, маъно тугал ҳолда намоён бўлган. Яъни, “Зухра” – чўлпон юлдузи (Венера)ни шоирлар хонанда ва созандалар ҳомийси, осмон чолғувчиси, созандаси дея тасвирлайдилар⁹. Шу боис, матндаги Мутаҳҳари Удий чолғувчиликда Зухра унга гўё она ва хушоҳангу хушовозликда у Зухрага фарзанд кабидир, деган маъно англашилади. Демак, бу ерда матн қуйидагича акс топади:

بیر کیچہ بیر اولوغ کیشی مجلسیدا جماعت عزیزلار خدمتیغہ توشتوم مطہر عودی کیم
خوش نوازلیق دا زهره انینک اناسی و خوش خوانلیغدا انینک فرزند روح افزاسی بولا آلور
ایردی

“Бир кеча бир улуг киши мажлисида жамоати азизлар хизматида туштум. Мутаҳҳари Удийким, хушнавозликда Зухра анинг онаси ва хушхонликда анинг фарзанди руҳафзоси бўла олур эрди”.

Мазкур мақолатнинг олтинчи ҳикоясида келтирилган персонажнинг исми ҳақида ҳам бироз фирк юритишга тўғри келди. Нашрларда бу исм Маҳмуд Ҳабиб тарзида берилган. Тошкент нусхаларининг ҳар иккаласида бу

⁸ Қаранг: Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. Ўн тўртинчи том. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967 й., 15-бет.; Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Ўн бешинчи том. – Т.: “Фан” нашриёти, 1999 й., 17-бет.; Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн томлик. 5-том. – Т.: “Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”, 2011 й., 742-бет.

⁹ Алишер Навоий. Поэмы. Перевод со староузбекского. Вст. статья В.Захидова, составление А. Каюмова. – Москва: «Художественная литература», 1972. Стр. 810.

исмининг иккинчиси “Ҳабиб” деб, бошқа яъни, Тўпқопи саройи музейининг Реван кутубхонасидаги, инв. № 808; Франция Миллий кутубхонасидаги, Suppl. Turc. инв. № 317; Истанбул Сулаймония кутубхонаси Фотих фондидаги, инв. № 4056; Санкт-Петербург Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат Халқ кутубхонаси фондидаги Дорн 558-тартиб рақами билан сақланаётган тўрттала нусхаларда эса “Жайб” дея китобат қилинган. Инсон фактори билан боғлиқлигини инобатда олган ҳолда бу икки сўзнинг ёзилиши бир-бирига ўхшаш. “Жайб” сўзида ж “жим ҳарфидан сўнг ортиқча бир тиш зиёда қилинса, حبيب “Ҳабиб” исми ҳосил бўлади. Ёки “Ҳабиб” исмида ж “ҳойи ҳутгий” билан ب “бе” ҳарфининг бирикмасида ҳосил бўлувчи илмоқ, тиш йўқолса حيب “Жайб” сўзи ҳосил бўлади. Араб имлосидан хабардор бўлган киши буни жуда яхши билади. Бироқ, шуни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керакки, Алишер Навоий даврида кишилар исмига уларнинг амалларига монанд исм қўшиб айтиш ҳоллари учраб турганини ҳам инобатга оладиган бўлсак, масалан (хонандаларга) – Ҳофиз Басир, Ҳофиз Мир, Ҳофиз Ҳасан Али, Ҳофиз Жомий, Шох Муҳаммад Хонанда, Ҳофиз Турбати. (Созандаларга) – Ҳасан Найий, Қул Муҳаммад Удий, Мутаҳҳари Удий, Аҳмад Гижжакий, Али Тамбурий ва ҳ.л.р, бу ҳолатда жиддийроқ эътибор бериш лозимлиги аён бўлади¹⁰.

Алишер Навоий “*Хамсат ул-мутаҳаййирийн*” да бу шахснинг қилмиш ишлари “*девонаи фосиқи абтарий шаҳарда бор эрдиким, дойим маст юрур эрди ва йўлуққон элга ташиғлар ва сафоҳатлар қилур эрди*” дея сифат беради. Маълумки, бундай кишилар ўзларининг уст-бош, кийим-кечакларига эътиборсиз, ёқа вайрон, абгор ҳолатда бўладилар. Шу боис, юқоридаги фикрга таянган ҳолда бу шахснинг исми محمود جيب Маҳмуд Жайб (яъни, Маҳмуд Ёқа, Маҳмуд ёқавайрон) бўлишлиги эҳтимолга яқинроқ. “Жайб”нинг “ёқа” маъносини ҳам англатиши сўзимизга тасдиқ бўлади¹¹.

Аввалги икки нашрда асар матнидаги сўзларнинг имлосига ҳам эътибор берилмаган. Масалан, аввалги мақолатнинг учинчи ҳикоясида шундай жумла мавжуд:

اول حضرت داغی كاهی کیلیب مبارک خاطر لاری تشحیذی اوچون بیرار زمان اندا بولور ایرمیش لار

“...ул Ҳазрат дағи гоҳи келиб, муборак хотирлари таиҳизи учун бирор замон анда бўлур эрмишлар...”

¹⁰ Қаранг: А.Н.Болдырев. Алишер Навои в рассказах современников. Сборник статей. – М., –Л.: 1946 г., 134-стр.

¹¹ Қаранг: П.Шамсиев, С.Иброҳимов. Навоий асарлари луғати. –Т., “Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”, 1972 й., 217-бет.; Э.И.Фозилов. Алишер Навоий асарлари луғати, I-том. –Т., “Niso poligraf” нашриёти, 2013 й., 817-бет.

Бу жумладаги “ташҳизи” сўзи асар танқидий матнини тузишга жалб қилинган қўлёзмалар, яъни Париж нусхасида *تشحيضى*, Истанбул нусхасида *تشحيصى* тарзида берилган. Санкт-Петербург нусхасида эса умуман бошқа *تسكن* *نى* сўзи берилган. Тўпқопи нусхасида аввал айтганимиздек бу қисми бизда мавжуд эмаслиги туфайли била олмадик. ЎзР ФАШИ нусхасида эса бу ибора мавжуд қатта бир қисм котиб томонидан тушириб қолдирилган. Адабиёт музейида сақланаётган нусхада биров яқинроқ бўлган *تشخيدى* шакли китобат қилинган. Балки котиб хато қилиб ҳойи ҳуттий устига нуқта қўйгандир, эҳтимол. Бу ҳолатни аниқлашда биз П.Шамсиевнинг “*Навоий асарлари луғати*” ва Б.Ҳасановнинг “*Навоий асарлари учун қисқача луғат*” номли китобларидан истеъфода этган ҳолда эришилди¹². 2011 йил нашр қилинган “*Тўла асарлар тўплами*”да бу сўзнинг имлоси тўғри кўрсатилган.

Демак, ўзбек халқининг ғурур ва ифтихори бўлган улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий асарларининг барчасини мўътабар қўлёзма манбалар асосида қиёсий тадқиқ этиш ҳамда илмий-танқидий матнларини тузиш матншуносларнинг олдида турган бурчдир. Зеро, матн табдилида йўл қўйилган ва нашрдан нашрга ўтиб келаётган ғализликларнинг олдини олишда илмий-танқидий матнлар жуда зарур. Уларга фақат илмий даража олиш учун қилинган ишлар деб қарамасдан, қилинган бу машаққатли меҳнатни нашрларда эътиборга олинса, юқоридаги каби муаммоларни ҳал қилишда самарали натижаларга эга бўлишимиз мумкин бўларди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алишер Навоий. Куллиёт. “Хамсат ул-мутаҳаййирийн” (қўлёзма). Париж, Франция Миллий кутубхонасида Suppl. Turc. 317. 286б-301б (16 варак).
2. Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. Ўн тўртинчи том. –Т. Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967 й., 15-бет.
3. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Ўн бешинчи том. –Т. “Фан” нашриёти, 1999 й., 17-бет.
4. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн томлик. 5-том. –Т. “Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”, 2011 й., 742-бет.
5. Алишер Навои. Поэмы. Перевод со староузбекского. Вст. статья В.Захидова, составление А.Каюмова. – Москва: «Художественная литература», 1972.

¹² *Қаранг:* П.Шамсиев, С.Иброҳимов. Навоий асарлари луғати. –Т., “Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”, 1972 й., 603-бет.; Ҳасанов Б. Навоий асарлари учун қисқача луғат. –Т., “Фан” нашриёти, 1993 й., 275-бет.

6. А.Н.Болдырев. Алишер Навои в рассказах современников. Сборник статей. – М., –Л., 1946 г., 134-бет.
7. П.Шамсиев, С.Иброҳимов. Навоий асарлари луғати. –Т., “Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”, 1972 й., 261-бет.
8. “Хамсат ул-мутаҳаййирин” танқидий матн. Тузувчи: О.Алимов. “Мумтоз сўз” нашриёти, 2015 й.
9. Ш.Сирожиддинов, С.Умарова. Ўзбек матншунослиги қирралари. –Т.: “Академнашр” нашриёти, 2015 й.
10. Ваҳоб Раҳмон. Мумтоз сўз сеҳри. – Т., “Ўзбекистон” нашриёти, 2015 й.